



МУҲАММАД СОЛИҲ: ЎЗБЕКЛАР ҲАҚОРАТЛАНИШ ДАВРИНИ ЯШАМОҚДА

Фейсбук ижтимоий тармоғида «Миллий ғурур» ҳақда дафъатан бошланган муҳокамада баъзи дўстларимиз «ғурур» ёки «миллий ғурур» тушунчаларини «номус» (қадр-қиммат туйғуси) ёки «миллий номус» тушунчалари билан адаштиришмоқда.

Ўз қадр-қимматини ҳис қиладиган номусли киши ажодлари қилган ишлар ва ғалабалар билан ва уларнинг қаҳрамонликлари билан мақтанмайди, балки у қаҳрамон ажодларга лойиқ савияда ўзи бир нарсалар қилишга интилади.

Ўз қадр-қимматини ҳис қиладиган номусли инсон ўзининг коинотда бир зарра эканлигини билади. Айни онда у ўзига бу дунёга нега келганлигини англаб етиш каби олий бир вазифа юкланганлигини ҳам билади. Зеро, унитилмас Блез Паскал таъбири билан айтганда, «инсон бу дунёга қанчалик юксакликдан улоқтирилганини англаш учун келгандир».

Бу юксаклик — бизнинг илк отамиз Одам ва илк онамиз Момо Ҳоволар улоқтирилган жаннатнинг юксаклиги билан тенгдир.

Бу Илк Тарих ҳақидаги тушунча соҳиби учун капиталистлар доим қўрқитадиган қашшоқлик ҳам, диктаторларнинг бизни тизгинлаш учун бошлаган сиёсий қатағонлари ҳам, қуллигимизнинг барқарорлиги куйчилари қўрқитаётган Уруш ҳам асло қўрқинчли эмасдир.

Ва яна:

Ўзбеклар миллий ғурурнинг йўқлигидан эмас, балки шу тарихий онда номус (қадр-қиммат) ҳиссиётини бир нави йўқотганликлари учун ҳам модерн феодалларнинг (бу феодаллар ким бўлишларидан қатъий назар — тошкентликми, москваликми, олма-оталикми) қўлида қул бўлиб қолмоқдалар.

Оллоҳ Мусо алайҳиссалом қавмига муқаддас тупроқларга киришни буюрганда, қабила бу амрга итоат қилмади. Шунда Парвардигор исроилликларни ўз хатоларини англаб етишлари учун сахро бўйлаб қирқ йиллик саргардонликка маҳкум этди. Бу ҳақиқатнинг диний мазмуни каби тарихий моҳияти ҳам муҳимдир: 40 йил мобайнида довюрак, номусли ва ўз қадр-қимматини билган янги авлод пайдо бўлди.

Ана шулар ул муқаддас тупроқларга кириш жасоратини топдилар ва кирдилар.

Бу каби қулаш ва юксалиш онлари ҳар бир халқ тарихида бўлади. Мен бугун ўзбекларнинг Ҳақоратланиш Даврини яшаётганидан аминман.

Тубанликда туриб титрамақдалар, титраярлик уйғонмоқдалар, иншоОллоҳ. Бу Тубанликка оёқларини тираб, у ердан отилиб чиқишга ҳозирланмоқдалар гўё...

Муҳаммад Солиҳ
(Русчадан таржима)

АҚШ Ўзбекистонда ҳарбий база очишни режалаштирмоқда

АҚШ Ўзбекистон ҳукумати билан мамлакат жанубида янги ҳарбий база ташкил қилиш борасида музокаралар олиб бормоқда, деб ёзади РИА Новости.

ОАВнинг экспертлар фикрига таяниб ёзишча Вашингтон ҳар йили 1 млрд. доллар тўлашга рози. Агентликнинг хабар беришича, яқинда АҚШ куролли кучларининг марказий қўмондонлик қўмондони генерал Ллойд Джей Остин Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигида музокаралар олиб борган. “Вазиятдан хабардор экспертларнинг фикрига кўра, генерал лавозимидаги АҚШ мулозимининг ташрифидан асосий мақсад Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегара бўлган Термиз шаҳрига АҚШ ҳарбий контингентини, техникасини ва биринчи навбатда авиациясини жойлаштириш учун розилик олишдан иборатдир”, — деб ёзади нашр. Эслагиб ўтамиз, АҚШ 2001 йилдан 2005 йилга қадар Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятидаги Қарши шаҳридан 10 километр шарқда жойлашган “Хонобод” ҳарбий аэродромидан фойдаланиб келган. 2005 йилда Андижонда тинч аҳолининг Каримов ҳукумати томонидан ёппасига ўққа тутилиши АҚШ ҳукумати томонидан қаттиқ танқид қилинганидан сўнг Ўзбекистон АҚШдан ҳарбий базани тарк этишни талаб қилганди. Бундан ташқари Ўзбекистон 2001 йил охирларидан бери Олмония Федератив Республикасининг ҳарбий ҳаво кучларига ҳарбий бўлмаган юкларни ташиш учун Термиз шаҳри чеккасидаги фуқаролик аэропортини берган. 2010 йилда ушбу аэропортдан фойдаланиш бўйича янги шартнома имзоланди, бироқ битим шартлари эълон қилинмаган. 2008 йилдан бошлаб эса АҚШ га ҳам мазкур объектдан фойдаланишга рухсат берилган.

Ўзбекистонда йил бошдан бери овқатдан еттига оммавий заҳарланиш қайд этилди

2014 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда овқатдан еттига оммавий заҳарланиш ҳолатлари қайд этилди 12news.uz.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Бошқарма бошлиғи Абдулла Нурматовнинг айтишича, сифатсиз овқатдан заҳарланган 126 одам касалхонага ётқизилди.

Нурматов одамлар овқатдан оммавий заҳарланганини хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилмагани билан изоҳлади.

UZBEK.FM

Россия Ўзбекистонга одам савдогарини топширади

Россиянинг Саратов вилояти прокуратураси Ўзбекистон фуқароси бўлган Шерзод Шаходжаевнинг экстрадиция қилинишига оид текширувларни ниҳоясига етказди, деб ёзади ro-drobno.uz.

1985 йилда туғилган Шерзод Шаходжаев Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одавм савдоси билан шуғулланганлиги учун халқаро қидирувга берилган.

Шаходжаев ўз шериклари билан тил бириктирган ҳолда жабрланувчиларни давлат чегараларидан ўтказган ва уларнинг паспортларини олиб кўйиб турли хил объектларда иш ҳақи бермасдан мажбурий меҳнатга жалб қилган.

Шаходжаев 2013 йил давомида ўз жиноий шериклари билан Ўзбекистонда бир неча маротаба фуқароларга яхши иш ва маош ваъда қилиб уларни алдаб мамлакат ташқарисига олиб чиқиб мажбурий тарзда ишлатганликда айбланмоқда.

У жабрланувчиларни асосан Россияга олиб чиққан ва у ерда ўз шериклари билан уларнинг паспортларини олиб кўйиб кул сифатида ҳақ бермасдан ишлатган.

UZBEK.FM



Каримовнинг имомлари Ғазо мавзусини айланиб ўтишди

28 июль куни Ўзбекистон масжидларида Ҳайит намозидан олдин ўқилган хутбаларда тинчлик Аллоҳнинг буюк неъматидир эканлиги, Ироқ, Афғонистон ва Сурияда бўлаётган “биродаркушлик” урушлари ҳақида ваъз қилишган ҳукумат имомлари ўзмаърузаларида Ғазолик мусулмонларга қарши Исроил армияси томонидан олиб борилаётган уруш мавзусини айланиб ўтишди.

Хусусан, Тошкент шаҳри масжидларида ўқилган хутбаларда пойтахтлик имомлар “Ислом динини ниқоб қилиб олган бузғунчи ва кўпоровчи оқимлар таъсиридаги гуруҳлар Афғонистон, Ироқ ҳамда Сурияда мусулмонларнинг қонини тўқаётгани” ҳақида сўз очиб, Ўзбекистонда президент Каримовнинг саъй-ҳаракатлари эвазига тинчлик ҳукм сураётганини мисол келтиришди.

“Ўзга диёрларда нотинчлик ва урушулар авж олган бир пайтда ҳурматли юртбошимизнинг шарофати билан мамлакатимизда осойишталик ва тинчлик ҳукм сурапти. Биз мусулмонлар бу неъматнинг қадрига етишимиз керак”, — деди хусусан Тошкент шаҳар Бош имом хатиби Анвар қори Турсунов Кўкалдош масжидида қилган хутбасида. Мусулмонлар диёрларида давом этаётган турли қонли қарама-қаршиликларни мисол келтирган Анвар қори Турсунов Фаластиннинг Ғазо секторидан истиқомат қилувчи мусулмонлар Исроил армияси томонидан қириб

ташланаётганлиги тўғрисида лом-мим демади. Бу ҳолат пойтахтнинг ва умуман республиканинг бошқа масжидларида ҳам кузатилди.

Ҳайит намозидан олдин ва кейин қилган дуоларида ҳам ҳукумат имомлари ўзларининг к а р и м о в п а р а с т л и г и н и , мусулмонлар умматидан йироқ ва дунёвий орзу-ҳавасларга яқин кишилар эканлигини намойиш этиб, фаластинлик мазлумлар ҳаққига дуо қилишмади. Жаннатга эришиш, дўзахдан қутулиш ҳақидаги оҳират дуоларини унутган имомлар турли майда-чуйда дунёвий орзуларини изҳор этишди.

“Кўз, кулоқ, оғиз, бурун ва тиш докторлари”, “велосипеддан йиқилиб касалхонада ётганлар”, “автобусда узок сафарга отланганлар”, “жазирама иссиқда қийналаётган кексалар”, “ер участкаларида қурилиш бошлаганлар”, “масжид ҳовлисини супураётган фаррошлар” ва ҳоказо тоифа одамлар ҳаққига алоҳида ҳамда майда дуо қилиб бошлаган имомлар илтижоларининг охирини президент Ислом Каримов, МХХ ва ИИБ ходимлари ҳақларига бағишлашди.

Шундай дуоларнинг сўнгги қисми: “Аллоҳ юртбошимизнинг умрини зиёда қилсин! Юртимизда тинчлик ҳукм сураётганига, осойишта намоз ўқиётганимизга ўз хиссасини кўшаётган милиса ва бошқа идоралар ходимлари ҳам узок умр кўришсин!” — деган сўзлар билан якунланди.

ЎХХ ахборот бўлими

Жорий йилнинг июль ойи Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ва Давлат божхона қўмитасининг (ДБК) юқори лавозимли мулозимлари учун Ўзбекистон МХХ ички хавфсизлик бошқармаси (ИХБ) бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаев ва унинг укаси МХХ ходими Жавдат Шарифхўжаев билан «алоҳида яқин» алоқалари борлиги бўйича текширувлар билан эсда қоладиган бўлди.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ МХХ ВА ДБКНИ «ҲАЁТПАРАСТ УНСУРЛАР» ДАН ТОЗАЛАДИ

Ўз навбатида, ушбу ой ҳаётпараст мххчилар ва божхоначилар учун ҳаётларидаги энг қўрқинчли ой сифатида муҳрланиб қоладиган бўлди. Айнан мана шу иссиқ ва дим кунларда уларни ўғирланган бойликларидан маҳрум қилишиб панжара ортига ташлашди. Шарифхўжаевларнинг гуруҳига ишловчи мххчилар ва божхоначилар учун жиноий ва хизмат характеридаги кўнгилсизликлар кутилмаганда ака-ука чекистларнинг ҳибсга олиниши билан бошланиб кетди. Шундай қилиб...

Ҳаёт ва Жавдатнинг Каримов назаридан қолиши тафсилоти

Ака-ука Шарифхўжаевларни ушлаш ва қамоққа олиш ташаббуси, Шавкат Мирзиёевнинг саъи-ҳаракатлари натижасида шахсан президент Каримовнинг ўзидан чиқди. Бироқ, ака-ука чекистларга нисбатан босимнинг бошланишига Ҳаёт Шарифхўжаевнинг ўзининг ҳам «ҳисса»си бор. Чунки у президент Каримов билан мулоқот чоғида Шавкат Мирзиёевнинг «оёғидан чалиш»ни ўйлаганди. Агар бутун тафсилотларни бир бошдан ёритадиган бўлсак МХХ ва ДБК сафларидаги бугунги тўполон Гулнора Каримованинг ўғли, кичик Ислом Каримовнинг REN-TV телеканалига берган интервьюсидан кейин бошланганини қайд этиш лозим. Маълумки, тележурналистлар билан суҳбат чоғида ўзбек президентининг невараси куч ишлатар тизим ходимларининг онасига психологик ва жисмоний босим ўтказётгани, уни оғир металллар билан захарлашга уринишаётгани тўғрисида гапирди. Ушбу интервьюни кўрганидан

сўнг Ислом Каримов Гулнора Каримованинг ўғли айтаётган гапларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигинибилиш мақсадида Ҳаёт Шарифхўжаевни чақиртирди. Давлат бошлиғи билан суҳбат чоғида МХХ ИХБ бошлиғи Президент хавфсизлик хизмати (ПХХ) бошлиғи Муйинжон Тоҳирийнинг Гулнора Каримовага нисбатан куч ишлатганини тан олишга мажбур бўлди.

Бироқ, ПХХ ходимларининг бу ва бошқа ҳаракатларида у шахсан ўзининг кўрсатмаси билан иш қиладиган М. Тоҳирийни эмас, балки Гулнора Каримовага нисбатан бўлаётган «босим»ларга умуман алоқаси бўлмаган бош вазир Шавкат Мирзиёевни айблади. «Тоҳирий ушбу низони янада бўрттириш ва овоза қилишдан манфаатдор бўлган Мирзиёевнинг кўрсатмаси бўйича ҳаракат қилади. Мирзиёев бир неча маротаба шахсан ўзи Гулнорани ва Сизнинг неварангиз Тошкентдалигида уни кўргани борди. Балки ҳорижга чиқиш ва ҳорижий телекомпанияга интервью бериш ғояси бош вазирдан чиққандир», — дея Ҳ. Шарифхўжаев Мирзиёевнинг пухталики билан яширилган сиёсий амбициялари йўлида президент ва оиласининг обрўсини тўкмоқчи эканлигига ишора қилди.

Ҳаёт Шарифхўжаев ўз сўзларининг исботи сифатида давлат бошлиғига МХХ ИХБ томонидан Шавкат Мирзиёев ҳақида юритилган маълумотлардан иборат ҳужжатни тақдим қилди. Ҳужжатдаги асосий жойларига ургу бераркан, Ҳаёт Шарифхўжаев ўзбек бош вазирига тегишли жиноий даромадларнинг асосий манбалари ҳақида эслатиб ўтди. Шарифхўжаев Мирзиёев ва унинг қариндошларининг Қорақалпоғистон ва Жиззах вилоятида жойлашган вермикулит ва волластоник конларининг барчасига эгалик қилиши билан боғлиқ тўлиқ манзарани ифодалаб берди.

Ҳ. Шарифхўжаев Зомин, Фориш ва Жиззахнинг бошқа тоғли туманларидаги дам олиш масканларининг барчаси Мирзиёевнинг тасарруфиди

эканлиги ва унинг гуруҳи бу жойларга ҳаттоки у ерни замонавий дам олиш масканига айлантириш ҳамда меҳмонхоналар куриш ниятидаги хорижий инвесторларни ҳам қўймаслигини таъкидлади.

Бундан ташқари, МХХ ИХБ бошлиғи Мирзиёевнинг ҳокимлар, вазирлар, олий таълим муассасалари ректорлари ва бошқа мулозимлардан ушбу ёки бошқа лавозимлар учун неча маротаба ва қанча миқдорда пора олганлигини ҳам эслатиб ўтди. Шавкат Мирзиёев ҳомийлиги остидаги мулозимлар рўйхати ҳақида гапирар экан Ҳ. Шарифхўжаев Қорақалпоғистон Жокоргу Кенеси раиси Муса Эрниязов ва Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобожоновлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

«Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлови остида Муса Эрниязов ошқора равишда ноқонуний валюта амалиётлари билан шуғулланади, Қорақалпоғистондаги бутун валюта қора бозорини ўзиники қилиб олди. Бош вазирнинг кўмаги билан Эрниязов нафақат Қорақалпоғистон, балки Ўзбекистоннинг ҳам энг бой одамларидан бирига айланди. Эрниязов Москвада, Санкт-Петербургда, Сочида, Анталияда ва дунёнинг бошқа шаҳарларида меҳмонхоналар тармоғига эгалик қилади», — деди Ҳ. Шарифхўжаев.

Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобожонов билан алоқалари ҳақида гапираркан, МХХ ИХБ бошлиғи Мирзиёев ва Бобожоновларнинг Россия президенти Хавфсизлик Хизматида ўз одамлари борлигини айтди. «Ўзи асли Урганч шаҳридан бўлган ва ҳозирда Владимир Путиннинг ПХХ сида ишлайдиган бу йигит Хоразм вилоятидаги бутун йирик бизнесни назорат қилади. Бундан ташқари у вилоятдани юқори лавозимларга мирзиёевчиларнинг тайинланишида иштирок этади. Путиннинг қўриқчиси бўлган Хоразмлик давлат мансабдорлари ва хоразмликлар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун бир неча маротаба Тошкентга келди», — дея таъкидлади Ҳ. Шарифхўжаев.

Ислом Каримов олдида Шавкат Мирзиёевга нисбатан шу ва бошқа компрагат маълумотлардан сўз очган Ҳаёт Шарифхўжаев бош вазир утидан зудлик билан жиноий иш очиш ва уни ҳибсга олишни таклиф қилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шарифхўжаевнинг кўпол таклифига жавобан президент шошмаслик кераклигини, Мирзиёев ҳақида юритилган иш материаллари билан танишиб чиқмоқчи эканини айтди.

Президентнинг хонасидан Ҳаёт Шарифхўжаев кўтаринки кайфият билан чиқди. Афтидан бир-икки кун ўтар-ўтмас ўзининг асосий душмани бўлган Шавкат Мирзиёевнинг МХХ тергов изоляторига (СИЗО) жўнатилишдан қочила олмаслигига ишончи комил эди. Шундай қилиб...

Георгий Крайнов ва Зелिमхон Ҳайдаровлар бош вазирни огоҳлантирувчилар сифатида

Ҳаёт Шарифхўжаев учун қутилмаган бир тарзда бош вазирни қутқариш бўйича парда ортидаги ўйинга даставвал ўзбек президентининг котиби Георгий Крайнов кўшилди, ундан кейин эса — президент девони бошлиғи Зелिमхон Ҳайдаров.

Бошида Ислом Каримовнинг Ҳаёт Шарифхўжаев билан мулоқотини иқир-чиқиргача билган Георгий Крайнов бу ҳақда бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг асосий ҳимоячиси бўлган президент девони бошлиғи Зелिमхон Ҳайдаровга хабар беришга қарор қилди. Крайновнинг огоҳ қилиш хизматидан кўзлаган асосий мақсади бир неча юз минг доллар ишлаб олиш эди. Чунки З. Ҳайдаров билан учрашув пайтида Г. Крайнов ўз хизматининг 200 минг доллар туришини айтди. «Зелिमхон ака, бу пулларни мен Сиздан эмас, Шавкатдан сўраяпман», — дея ўз талабига аниқлик киритди Г. Крайнов. Мирзиёев пулни етказиб олиб келганидан сўнггина Ўзбекистон президенти котиби юқорида тилга олинган мулоқот ҳақида батафсил гапиришни бошлади.

Шундан сўнг Зелिमхон Ҳайдаров Шавкат Мирзиёев билан алоҳида суҳбатлашди. Суҳбат чоғида у бош вазирдан зудлик билан президент Каримовнинг олдида киришни ҳамда Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевлар ҳақида тўпланган компрадатларни тақдим қилишини сўради.

Мирзиёев ҳам ўзининг асосий «васийси» ва ҳамшаҳари Зелिमхон Ҳайдаров айтганидек қилди. Шундай қилиб...

Мирзиёев мамлакат президентининг қабулида

Ислом Каримов тилга олган барча шикоятларни тинглаган ва Ҳаёт Шарифхўжаев томонидан ўзи ҳақида юритилган «шахсий» ишга юзаки кўз югуртириб чиққат бош вазир даставвал Гулнора Каримовага қарши «қабих ишлар»да ҳеч қачон қатнашмагани ҳақида қасам ишди. «Бундан ташқари, онам билан қасам ичаманки: мен ҳеч қачон ўзимни Сизнинг лавозимингизда кўрмаганман, кўрмайман ҳам. Менинг ишим давлат сиёсати эмас, мамлакатнинг хўжалигидир», — дея таъкидлади Мирзиёев.

Шундан сўнг у президент столига ўзининг МХХ ИХБ бошлиғига қарши тўпланган компрадатини қўйди. Ўзига нисбатан қўйилаётган барча айбловларни рад қилган Шавкат Мирзиёев ўз ҳикоясини Гулнора Каримовага нисбатан психологик ва жисмоний босимларнинг барчаси айнан Ҳаёт Шарифхўжаев идорасининг топшириғи билан амалга оширилганидан бошлади. «Қизингизга тегажоқлик қилган кўриқчилар орасида ПХХ ходимлари йўқ. Тоҳирийнинг йигитлари фақатгина Гулнора атрофидаги одамларни ушлаш бўйича режали амалиётларда иштирок этишди. Бошқа вақтда қизингиз бошлигининг кўрсатмалари асосида ҳаракат қиладиган Ҳаётнинг йигитлари билан ёлғиз қолди. Айнан улар қизингизни таҳқирлашди», — деди Мирзиёев.

Бош вазир Ҳаёт Шарифхўжаевнинг аллақачон ўзини мамлакатнинг бўлғуси президенти деб ҳисоблай бошлаганини алоҳида қайд этди. «Бу йўлда у нафақат режали равишда Сизнинг оилангизнинг, хусусан Гулноранинг обрўсини тўқмоқда, балки ҳукуматдаги ўзи ёқтирмайдиган баъзи шахсларни йўқ қилишга уринмоқда. Биринчи навбатда унинг шахсан менга нисбатан адовати бор. Чунки мен давлат маблағлари ҳисобига ҳориждан келтириладиган махсулотларига нисбатан бож имтиёзи масаласида бир неча маротаба тўқнашимга тўғри келди. Бундан ташқари, у бош вазирлик курсиси президентлик курсисига эришиш йўлидаги оралик лавозимдир», — дея таъкидлади Ш. Мирзиёев.

Унинг сўзларига кўра, Ҳаёт Шарифхўжаев президент девони

бошлиғи Зелिमхон Ҳайдаровни ҳам йўқ қилиш ниятида ва бу лавозимни укаси Жавдат эгаллаши лозим деб ҳисоблайди. Шундан сўнг бош вазир аста-секинлик билан ака-ука Шарифхўжаевларнинг молиявий жиноятлари мавзусига ўтди.

Биринчи навбатда, Мирзиёев президентга Шарифхўжаевлар бутун Давлат божхона қўмитаси ишини назорат қилишларини айтди. «Ҳаёт ва Жавдатнинг розилигисиз ҳам давлат йўналишида, ҳам хусусий йўналишда йирик миқдордаги махсулотлар олиб қирилмайди ва олиб чиқилмайди. Сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз, баъзида мен, мамлакатнинг бош вазири давлат йўналишидаги импорт ва экспортни амалга оширишим учун Ҳаёт билан Жавдатга ялинишимга тўғри келади. Бир марта махсулотларни қариндошларининг бизнеси учун олиб қиряпти деб ўйлаб мендан ҳатто пул ҳам сўраган. Шарифхўжаевлар барча ноқонуний импорт ва экспорт амалиётларининг ягона эгаси бўли олишган. Ҳар бир олиб қирилаётган ёки олиб чиқилаётган эшелондан Шарифхўжаевлар ака-укаларнинг ҳар қайсиси учун бир миллиондан умумий икки миллион доллар олишади», — деди Мирзиёев.

Бош вазир Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларни ўз хизмат лавозимларидан фойдаланган ҳолда жуда йирик миқдордаги миллий валютада пул ювиш билан боғлиқ жиноий ишларда иштирок этиши ҳақида гапирди. «Улар ҳорижий валюта қора бозорини бутунлай ўз назоратига олишган», — деди Ш. Мирзиёев.

Ўзининг фош қилувчи ҳикояси якунида бош вазир мамлакат президентига Шарифхўжаевларни огоҳлантирмаган ҳолда уларнинг уйларида зудлик билан тинтув ўтказишни таклиф қилди. «Ислом ака, агар тинтув пайтида уларнинг ҳар бирининг уйдан нақд юз миллион доллар чиқмаса қалламни узиб бераман», — дея кўшимча қилди Ш. Мирзиёев.

Ислом Каримов бу таклифга қарор қабул қилиш учун ўйлаб кўриши кераклигини ва вақт кераклигини айтди. Бироқ, Ш. Мирзиёев Шарифхўжаевлар ўзининг президент қабулига киргани ҳақида билишса уларини тозалашга улгуришларини айтиб президентни кўндиришга тириша бошлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

«Ислом ака, ака-ука Шарифхўжаевларнинг уйларида тинтув ўтказиш ва уларни ҳибсга олиш тўғрисида зудлик билан топшириқ бермасангиз мен Сизнинг хонагиздан чиқмайман», — дейишга журъат қилди бош вазир.

Мирзиёевдаги қатъийлик ва ишончни кўрган президент МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломовни хузурига чақиртирди ва унга Шарифхўжаевларни хабардор қилмасдан зудлик билан Ҳаёт ва Жавдатнинг уйларини тинтув қилиш бўйича амалиёт ўтказишни топширди. Шундай қилиб...

Ш а р и ф х ў ж а е в л а р н и н г уйларида тинтув

Ушбу амалиёт Шухрат Ғуломовнинг таклифига кўра Ислом Каримовнинг Ҳаёт Шарифхўжаевга кўнғироқ қилиб тезкор хисобот тайёрлаш бўйича топшириқ бериши билан бошланди. Бу президент топшириғи билан банд Шарифхўжаевнинг ўз хонасидан чиқа олмаслиги учун амалга оширилган тадбир эди. Бир вақтнинг ўзида Ҳ. Шарифхўжаев кутилмаганда йўлакка чиқадиган тақдирда уни ҳибсга олиш учун МХХ ИХБ бошлиғининг хонаси олдига тўрт кишидан иборат махсус махсус кўриқчилар кўйилди.

Жавдат Шарифхўжаевга ҳам шундай топшириқ берилди ва унинг ҳам хонаси олдига «фахрий» кўриқчи кўйилди. Фақат Жавдат Шарифхўжаевга топшириқни президентмас, Шухрат Ғуломов берди.

Шарифхўжаевлар «юқоридан келган» сохта топшириқлар билан бандлигида, Шухрат Ғуломов бошўчилигидаги махсус гуруҳ ака-ука чекистларнинг уйларида тезкор тинтув ва тасвирга олишни бошлаб юборишди. Тинтув мобайнида Ҳаёт Шарифхўжаевга тегишли уч қаватли уйнинг ертўласида қарийб нақд 150 миллион доллар, Жавдат Шарифхўжаевнинг «омбор»идан эса нақд 120 миллион доллардан озроқ пул топилди.

Мазкур амалиётнинг диққатга сазовор томони бутун тинтув мобайнида Ҳаёт Шарифхўжаевнинг хотини МХХ тезкор ходимларининг тасвирга олиш камерасига қараб бамайлихотир бу пулларнинг кундалик майда чиқимлар учун мўлжалланганини гапирди.

«Йигитлар бу пуллар ваҳима қилишга арзимаиди. Баъзи одамларнинг ертўласида нақд 2-3 миллиардлаб доллар бор. Улар фақат сигарет ва писта учун кунига 100-200 минг долларни сарф қилиб юборишади. Уларнинг пулининг ёнида бизники ҳатто пулмас!», — деди Шарифхўжаевнинг хотини. У кунига сигарет ва писта учун 200-300 минг сарф қилиб юборадиган ўзбек миллиардерларининг исмларини айтгани йўқ албатта.

Шу куннинг ўзида ака-ука Шарифхўжаевларнинг ёрдамчилари уйларида ҳам тинтув ўтказилди. Жавдат Шарифхўжаевнинг исми Егор бўлган ёрдамчиларидан бирининг уйдан нақд беш миллион доллар чикди. Шарифхўжаевларнинг гуруҳида ишлайдиган МХХ ва ДБКнинг 40 офицерига қарашли уйлардан қарийб нақд 6 миллион доллар (ҳар бир офицерга ўртacha 120 минг доллардан) мусодара қилинди.

Тинтув тугаганидан сўнг Шухрат Ғуломов амалиёт натижалари бўйича Ислом Каримовга хабар берди ва Ҳаёт Шарифхўжаев рафиқасининг «чиқиши» акс этган видеоларни кўрсатди.

Каримов зудлик билан ака-ука Шарифхўжаевларни ҳибсга олишга буйруқ берди. Шундай қилиб...

Ака-ука чекистларнинг ҳибсга олينيши

Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевлар ўз хоналарида ҳибсга олиндилар ва дарҳол Ўзбекистон МХХ тергов изоляторида (СИЗО) келтирилди. Шундан сўнгуерга МХХ республика аппарати ва ДБК дан 38 та генерал олиб келинди. МХХ уларни ака-ука Шарифхўжаевларнинг жиноятларида қатнашганликда гумон қилиб ҳибсга олди.

Ака-ука Шарифхўжаевларнинг давлатдаги жиноий ишларига алоқадор бўлган баъзи бир ўзбек чекистлари ва божхоначилари учун «босс»ларининг ҳибсга олينيши ҳамда унинг ортидан МХХ ва ДБК нинг ҳаётпараст элемантлардан буткул тозаланиши кундуз куни ёруғ осмонда чакмоқ чакнаганидек бўлди. Уларнинг баъзилари зудлик билан мамлакат ҳудудини тарк этишга қарор қилишди.

Ўзбекистон МХХдаги тезкор маълумотларга кўра, ака-ука Шарифхўжаевлар билан «иш» алоқаларига эга бўлган республика бўйлаб 50 та одам қочиб кетишга муваффақ бўлган.

2014 йилнинг 12 июлида ака-ука Шарифхўжаевлар ва ушбу жиноий гуруҳ аъзоларининг уйларида ўтказилган текширув ва тинтув натижалари МХХ, Бош прокуратура, ИИБ ва Олий Суднинг кўшма баёнотида эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда «пора олганликда гумонланаётган шахсга нисбатан қийноқлар қўлланилмаслиги» ҳақида ҳам сўз боради.

Ҳужжатда «қийноқларнинг қўлланилмаслиги» мавзуси тилга олиниши бежизга эмас. Чунки, ака-ука Шарифхўжаевлар бошчилигидаги жиноий гуруҳ фаолияти дастлабки текширув мобайнида Ҳаёт Шарифхўжаевнинг бошқа идоралар — Ўзбекистон ИИБ томонидан пора олганликда гумонланганлик бўйича кўзга тилган жиноий ишлар бўйича тергов ишларига аралашгани аниқланди. Ҳ. Шарифхўжаев яқинларгача ИИБ СИЗО («Тоштурма») бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган собиқ МХХ офицери орқали йирик миқдордаги пул ювиш ва пора олишда гумонланаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни олиб турган. Ўзининг чекист ҳаммаси ҳамда турмадаги «лохмач»лар орқали Ҳ. Шарифхўжаев бундай гмонланувчиларга нисбатан қийноқларни қўллаган ва улардан «ихтиёрий» равишда ўз айбларига икром бўлишларига эришган. Кейин эса унинг ўзи улардан пул талаб қилган. Бошқа сўз билан айтганда Ҳаёт Шарифхўжаев жуда йирик молиявий жиноятлар бўйича жиноий ишларнинг боришини назоратга олишга ва гумонланувчилардан пул ундиришга ҳаракат қилган.

Бугунги кунда президент Ислом Каримовнинг оғзаки буйруғи билан Тоштурмадаги «лохмач»лар ИИБнинг бошқа изоляторларига тарқатила бошланди. Кутилмаган тарқатилишдан ва бошқа турмалардаги махбусхоналарда қасос олинган эҳтимолидан кўрққан баъзи махбуслар ўз томирларини кесиб жонларига қасд қилишини бошлашди.

Ака-ука Шарифхўжаевларнинг ҳибсга олينيши МХХ ходимлари томонидан бошқа жиноятларнинг ҳам очилишига олиб келди. Хусусан, Ҳаёт Шарифхўжаевнинг ишида Лола Каримова ва унинг эри Тимур Тиллаевларнинг бизнес империяси билан боғлиқ жиҳатлар ҳам кўзга ташланди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу эса табиийдир: ахир МХХ ИХБ собиқ бошлиғи Ўзбекистон президенти кенжа кизига тегишли бизнеснинг асосий ҳимоячиси эди. Шундай қилиб...

Лола Каримова ва Тимур Тиллаевларнинг бизнес-империяси ҳақида

Ака-ука Шарифхўжаевларнинг ишидаги дастлабки текширув МХХ терговчиларини Лола Каримова, унинг эри ва қайноталарининг иш ва бошқа фаолиятларига алоқадор қуйидаги фактлар сари етаклади.

Гарвард университети битирувчиси Тимур Тиллаев — самарқандлик мафиячи Ҳаким Тиллаевнинг ўғли. Тимур Тиллаевнинг отаси — ўзбек мафиясининг оталаридан бири бўлган 1950 йилда Фарғона вилоятида туғилган Салим Абдувалиевнинг яқин дўсти.

Ҳаким Тиллаев Ғафур (Арслонбеков) Рахимов билан ҳам яқин алоқада, ўз навбатида Салим Абдувалиевнинг қариндоши бўлади ва бугунги кунда Дубай шаҳрида яшайди (Бирлашган Араб Амирликлари).

Ғафур Рахимовнинг кўмаги билан Ҳаким Тиллаев ўзбек иқтисодиётининг пахта хом-ашёси экспорти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўз-ДЭУ» ҚК ва бошқалар фаолиятига қўшилди. 90-йилларнинг охирида Россия Федерал Ҳавфсизлик

Хизмати ўз ҳисоботларида Ғафур Рахимовни «Ўзбекистонда Каримовдан кейин иккинчи одам» деб атай бошлаганди. Бунга эса ўзбек пахтаси экспортининг 15%и Рахимов томонидан назорат қилиниши ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК ва «Ўз-ДЭУ» ҚК да ҳам ўзининг молиявий манфаатлари борлиги сабаб бўлганди.

Ўзбек мафиясининг «босс»лари бўлган Салим Абдувалиев ва Ғафур Рахимовларнинг кўмагидан фойдаланиб Ҳаким Тиллаев ўзбек газини ноқонуний экспорт қилишда ҳамда афғон гиёҳванд моддаларини Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлари орқали Россия ва Оврўпа Иттифоқи давлатларига транзит қилишда қатнашади.

Қайд этиш жоизки, Тимур Тиллаев халқаро бизнесдаги

ишини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг Париждаги офисидан бошлаган.

Т.Тиллаевнинг баъзи ҳамкорлари ҳозир ҳам Ўзбекистон миллий авиакомпаниясида ишлашади. Тимур Тиллаевнинг шундай шерикларидан бири 1978 йилда туғилган Зафар Хусаиновдир.

Тимур Тиллаев «Abu Saxiy Nur» транспорт компаниясининг асосий таъсисчиси ҳисобланади ва МХХ ИХБ собиқ бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаев ва Давлат божхона кўмитаси раиси Зоҳид Досановларнинг ёрдами билан ноқонуний (амалда ҳеч қандай бож тўламасдан) Ўзбекистон ҳудудига махсулот олиб кириш билан шуғулланади. «Abu Saxiy Nur» транспорт компаниясининг хизматларидан фойдаланадиган тадбиркорлар амалда бож тўловларини Тимур Тиллаев ва унинг рафиқаси Лола Тиллаевларга тўлашади.

1990 йилда ташкил қилинган компания Каримова ва Тиллаевлар оиласига қунига (!!!) 500 минг евродан кўпроқ фойда келтиради. «Abu Saxiy Nur» юк ташувни нафақат Ўзбекистон ичкарасида, балки бошқа туркий тилда сўзлашувчи давлатлар ҳудудларида ҳам амалга оширади.

Компаниянинг Туркиядаги филиали асосан Оврўпу Иттифоқи давлатларига юк ташиш билан шуғулланади.

Ушбу филиал қуйидаги манзилда жойлашган: Mesinpaşa Mahalle, Nayriye Tuccari Caddesi, Nakan Bazarı, No.20, Laleli – İstanbul. Қайд этиш лозимки, «Abu Saxiy Nur» компанияси ва унинг Туркиядаги филиали МХХ ИХБ собиқ бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаев ва Давлат божхона кўмитаси раиси Зоҳид Досановларнинг хомийлиги остида гуллаб яшнади.

Тимур Тиллаев ва Лола Каримовларнинг ушбу фаолияти Москва, Лондон ва Маэ (Сейшел ороллари)да рўйхатдан ўтган «Corbet Trans Tashkent» ва «Uzvneshtrans» компаниялари билан мустақкам боғланган. «Corbet Trans Tashkent» компанияси томонидан «Corbet Trans Tashkent» компаниясининг ташкил қилиниши ўзига ҳос ҳодиса бўлган. Сейшел оролларидаги солиқ органлари маълумотларига қўра бор-йўғи бир йилгина фаолият юритган «Corbet Trans Group LLT» компанияси йилига 3925% (!!!)га тенг даромад кўрган.

Бир йиллик компанияларнинг асосий ҳамкорларидан бири амалда МХХ раиси Рустам Иноятовга тегишли «Benif LTD» ўзбек-америка қўшма корхонаси эди. Маълумки ушбу қўшма корxonанинг асосий таъсисчиси эса ўзбек махсус хизматлари раиси тушмуш ўртоғининг укаси Бахтиёр Эргашев бўлади.

МХХ раиси Рустам Иноятов ва собиқ ИХБ бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаевнинг васийлигидан Тимур Тиллаевнинг турмуш ўртоғи Лола Каримова ҳам фойдаланиб келган ва фойдаланишда давом этмоқда.

1978 йилда Тошкентда туғилган Лола Каримова-Тиллаева Женева, Лозанна, Монтрё ва Нойенбургда бир қатор элита бутикларнинг таъсисчиси саналади. Ўзбекистон президенти кенжа кизининг Оврўпадаги барча бутиклари менежери Филипп Шелленберг (Philippe Schellenberg) бўлган «GE-SYCO SA» тармоғида ишлайди.

Лола Каримова Женевада ва Лозаннада жойлашган Швейцариянинг «Madison Store» фэйшн-компаниясида ҳам ўз активларига эга. Лола Каримова ва Тимур Тиллаев француз компанияси бўлган ва кўчмас мулк савдоси билан шуғулланадиган «SCI GOLDMONT» компанияси фаолиятдан ҳам катта фойда кўришади. Бу компания Парижда 4, rue du Voccador, 75008, Paris (Елисей майдонига яқин) манзилида жойлашган.

Шу билан бирга, Каримова ва Тиллаевларнинг оиласи АҚШда кўчмас мулк савдоси билан ҳам шуғулланади. Бу оиланинг америкадаги бизнеси асосан Беверли Хиллз ва Калифорниялик бўлган бадавлат одамлар учун мўлжалланган.

Лола Каримова ва Тимур Тиллаевнинг АҚШдаги расмий вакиллигини Брюс Маковский (Bruce Makowski) ва Кэти ван Зееланд (Kathy van Zeeland)лар амалга оширишади.

Бундан ташқари Тимур Тиллаев Калифорнияда жойлашган «Freemont Holdings» компаниясининг президенти ҳисобланади. Мазкур холдинг Лола Каримова ва Тимур Тиллаевлар томонидан ташкил қилинган учта компания: «Tk Silvermont LLC», «Tk Goldmont Holdings LLC» ва «Lola Tk Tulipwood, Inc»лар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

киради. “Tk Silvermont LLC” компанияси юқори технологияли махсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, “Tk Goldmont Holdings LLC” эса кўчмас мулк билан. Швейцариянинг Берн шаҳрида ташкил қилинган «Alpen Pharma AG» компаниясида ҳам Лола Каримова ва Тимур Тиллаевларга тегишли активлар бор.

Ўзбекистон президентининг кенжа қизи ва куёви республиканинг Навоий вилоятида олтин қазиб олиш билан шуғулланган «Zarafshan-Newmont» ўзбек-америка кўшма корхонаси фаолиятдан ҳам ноқонуний фойда олишарди. Бугунги кунда ушбу оила «Қизилкумцемент» акциядорлик жамияти фаолиятдан ҳам фойда олмакда.

2000 йилларнинг бошида Лола Каримова унинг биринчи эри Саидяхёхон Ахроров томонидан ташкил қилинган «Tibmahsulot Ltd.» компаниясининг Лондондаги ваколатхонасида ишлади. Лола Каримова билан ажрашганидан сўнг 2007 йили Саидяхёхон Ахроровнинг хоҳиши билан «Tibmahsulot Ltd.» компаниясининг асосий офиси Юнонистондан БАА (Дубай шаҳри)га кўчирилди. У ҳозиргача фармацевтика махсулотлари импорти билан шуғулланади. Унинг директори эса Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг укаси Жамшид Алимовдир.

Шундан сўнг Лола Каримова «Mediz» фармацевтика ишлаб чиқариш компанияси эгаси Искандар Маҳмудовга турмушга чиқди. Бироқ Лола Каримованинг иккинчи турмуши ҳам узокка чўзилмади. Ажралишга эса яна Ислом Каримов кенжа кизининг жинсий шўхлиги сабаб бўлди.

Бу сафар иш ноҳуш жанжалгача бориб етди: Искандар Маҳмудов Лола Каримовани хотинининг тан соқчиларидан бири билан тўшақда ушлаб олади.

Хиёнаткор хотини ва диктатор қайнотасининг қасосидан кўрқиб И. Маҳмудов мамлакатдан қочиб кетади.

Ордан биров вақт ўтганидан сўнг И. Маҳмудовнинг хавфсираши асосиз бўлиб чиқди: ушбу шармандалиқнинг изини йўқотиш мақсадида Лола Каримованинг тан соқчи — ўйнаши

Ислом Каримовнинг оғзаки буйоуғи билан ўлдирилганди ва

Тошкент вилояти йўлларидан биридаги асфаль остида кўмиб юборилганди.

Лола Каримованинг ҳозирги оиласи асосий вақтини Ўзбекистоннинг ташқарисида ўтказади. Ҳориждаги ҳаётини у асосан ўзининг Швейцария, Франция, ва АҚШда қуйидаги: Chemin de la Perrierre 10, 1223 Coligny, Женева (Швейцария); Priv. 8, Rue Jean Richepin, Paris 75016 (Франция); Le Palais, Беверли Хиллз қаршисида, Калифорния (АҚШ) манзилларида ўтказади.

Лола Каримова Тимур Тиллаевларнинг ҳориждаги бизнеси асосан Буюк Британия, Швейцария ва АҚШга тўғри келади. Бундан ташқари у ҳали ҳам «Tibmahsulot Ltd.» фирмасининг расмий тижорат директори ва «Continental Consulting Ltd.» ўзбек фармацевтика компаниясининг Лондондаги ваколатхонаси бошлиғи ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Лола Каримова ва Тимур Тиллаевларнинг оиласига тегишли бўлган «Continental Consulting Ltd.» компанияси Ўзбекистон фуқароларида гиёҳванд моддаларни ноқонуний синаш билан шуғулланади.

Ҳаттоки бу компаниянинг фармацевтика воситалари номи остида амалда янги турдаги гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш билан шуғулланиши ҳақида гумонлар мавжуд.

Мазкур бизнесни Лола Каримова расмий равишда Франция фуқаролари бўлган ва Женевадан Беверли Хиллзга қадан бизнес билан шуғулланадиган Амр Ҳаггаг (Amr Haggag), Кристоф Скардили (Christophe Scardigli) ва Марсиано Тьерри (Marciano Thierry) ларга ишониб топширган.

МХХ раиси Рустам Иноятов ва собиқ ИХБ бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаевдан ташқари Лола Каримова ва Тимур Тиллаевларнинг бизнесига Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги Элёр Ғаниев ҳам ёрдам беради.

Ўзбек вазирлиги Лола Каримованинг қайнотаси бўлган Ҳаким Тиллаев билан умумий иқтисодий ва молиявий лойиҳаларга эга.

Лола Каримова ва Тимур Тиллаевларнинг бизнес тузилмаси МХХ раиси Рустам Иноятовга тегишли «Asia Alliance Bank» банки фаолияти билан туташиб кетган. Ушбу банк асосан болтиқбўйи,

шу жумладан Латвиядаги ҳамкор банклардан жиноий даромадларни ювиш амалиёти билан шуғулланади.

Рустам Иноятов ва унинг оила аъзолари кўрсатмаси билан «Asia Alliance Bank» воситасида Ўзбекистондан чиқиб кетган ҳорижий валюта кўпгина ҳолатларда Лондон шаҳрида жойлашган «Gorefield International Group Ltd.» Британия компанияси орқали ва асосий акциялар пакети Ўзбекистон молия вазирлиги Рустам Азимовга тегишли бўлган «Uzbekinvest» миллий инвестиция компанияси воситасида ювилади.

Кўрилатган жиноий даромадлар ҳажмининг чексизлигига қарамадан Каримова ва Тиллаевлар оиласи солиқларни тўлашмайди. Масалан, Лола Каримова Нью-Йоркдалигида, ўзининг дипломатик имунитетидан фойдаланган ҳолда бир неча маротаба америка ҳукуматига солиқларни тўлашдан бош тортган.

Ушбу оиланинг очофат амбицияларини бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг сабаҳаракатлари билан Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларга ниабатан амалга оширилгани сингари фақат президент Каримовнинг ўзигина тўхтата олиши мумкин.

Бироқ ўзбек давлат бошлиғининг ушбу ишни охирига қадар олиб бориш ҳамда ўзининг кенжа қизи ва куёвини «тинчлантириш»га иродаси етармикин? Шундай қилиб...

Сўнгсўз

МХХ ва ДБҚ сафларида ҳаётпараст шахсларни тозалаш бошлангани Ўзбекистон бош вазирлиги Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий ҳокимият учун кураш йўлида ўз рақиблири устидан қозонган мутлақ ғалабасидир.

Бундан ташқари, Лола Каримова ва унинг эри Тимур Тиллаевларнинг молиявий ва бошқа жиноятлари пардасини очиб берган тозалаш иши узок вақтдан бери сингисининг беҳисоб бойликлари ҳақида гапириб келаётган Гулнора Каримовага умид бағишлайди. Шу сабабли ҳам шарихўжаевларга қарши кампания бошланганидан сўнг Гулнора Каримова ҳам «сайр қиладиган» бўлиб қолди: ҳаттоки бир нечта Оврўпа давлатларига ҳам бориб келишга улгурди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,

сиёсатшунос

26.07.2014

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Исроил ўғилларининг Яхё алайҳиссаломга саволлари

Юханнага кўра, Исроил ўғиллари учта пайғамбарнинг келишини кутаётган эдилар.

Биринчиси: такрор келади дея ҳисобланган Илё.

Иккинчиси: Масих Исо алайҳиссалом.

Учинчиси: хамманинг билгани ва исми айтилмасдан, “у — Пайғамбар”, деб айтилган Пайғамбар.

Шу боис, Исроил ўғиллари Яхё алайҳиссаломдан:

- Сен кимсан?, — сўрадилар.

- Мен Масих эмасман, — деди Яхё алайҳиссалом.

- Бўлмаса кимсан? — дейишди Исроил ўғиллари, — сен Илёмисан ёки?

- Йўқ, — деди Яхё алайҳиссалом.

- Ёкисен “у—Пайғамбар” мисан?, — дейишди.

- Йўқ, — деди Яхё алайҳиссалом.

- Ундай бўлса, сен кимсан?, — дедилар Исроил ўғиллари.

- Мен Ишога пайғамбарнинг айтгани каби, “Роббингнинг йўлини тузатингиз”, дея чўлда давъат қилганнинг овозиман.

Орангизда битгаси турибди, аммо сиз уни билмайсиз. Мендан сўнгра келган удир. Мен унинг чоригини богини ечишга ҳам лойик эмасман, — деди Яхё алайҳиссалом (Юханна. “Инжил”, 15- боб, 19-27).

Ривоятга кўра, Яхё алайҳиссалом 30 ёшда экан, Урдун дарёсида Исо алайҳиссалом билан кўришди (52). Шомга бориб, Исо алайҳиссалом билан учрашган кунларида ҳам халқни Аллоҳга ибодатга давъат қилишдан тўхтатмади (53). Исо алайҳиссаломнинг Яхё

алайҳиссаломни ўн икки хаворийси (саҳоби) гараҳбар қилиб, Аллоҳнинг амирларини таблиғ этиш учун халқ орасига юборилгани ҳам ривоят этилади (54).

Исроил ўғилларининг Яхёва Закариё алайҳиссаломларни шаҳид этиши

Исроил ўғиллари Бобил асоратидан Байтулмақдисга қайтгандан сўнгра (55) Байтулмақдисни (тиклашди) имор этишди (56). Ишларни йўлга солдилар (57), анчагина кўпайдилар (58). Аммо бузукчилик, ёмон ишлар ҳам қилмасдан туролмадилар. Бунинг баробарида, Аллоҳу таоло улардан (59) фазлу раҳматини

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (17).

аямади — пайғамбарлар юборишга давом этди.

Исроил ўғиллари эса, пайғамбарларнинг бир қисмини инкор этиб, бир қисмини ўлдираб эдилар. Уларга энг сўнг юборилган пайғамбар Довуд алайҳиссалом хонадонидан бўлган Закариё, Яхё ва Исо алайҳиссаломлар эди (61). Исроил ўғиллари Яхё ва Закариё алайҳиссаломларни ҳам шаҳид этдилар (62).

Ривоятга кўра, Яхё алайҳиссалом Исо алайҳиссаломнинг 33 ёшида самога олинишидан (63) бир ярим йил аввал (64), демак, 32 ёшида шаҳид этилган. Чунки Яхё алайҳиссалом Исо алайҳиссаломдан ярим йил олдин туғилганди. Унга ва бутун юборилган пайғамбарларга салом бўлсин! Исроил ўғиллари Закариё алайҳиссалом ҳақида ҳам: “Уни (Ҳазрати Марямни) Закариёдан бошқа ҳомила қилгани йўқ. Унинг ёнига доим Закариё кириб чиқар эди (66)”, дедилар. Ва Закариё алайҳиссаломни ўлдирмоқ учун (67) ахтара бошладилар. Закариё алайҳиссалом улардан қочди (68), аммо уни ушладилар (69) ва шаҳид этдилар (70). Яхё алайҳиссаломнинг диний нуқтаи назардан таъқиқланган уйланиш шаклига рози бўлмагани, унинг ҳам шаҳид этилишига баҳона бўлди (71).

Айюб алайҳиссаломнинг келиб чиқиши

Айюб бин Мус (1), бин Раъвил (2) ва ёки Розих (3) ёки Ризоҳ (4), бин Ойс бин Исҳоқ, бин Иброҳим алайҳиссаломлардир (6). Айюб алайҳиссаломнинг онаси Лут алайҳиссаломнинг қизи эди

(7). Айюб алайҳиссаломнинг отаси Мус Намруднинг Иброҳим алайҳиссаломни оловга отиб, ёқмоқ истаган кун, Иброҳим алайҳиссаломга иймон этганлардан эди (8). Айюб алайҳиссалом Ёқуб алайҳиссалом замонида яшади ва унинг Лайё исмли қизига ҳам уйланганди (10).

Айюб алайҳиссаломнинг шакли шамойили

Айюб алайҳиссалом узун бўйли, жингалак сочли (11), хушрўй, (12), йирик кўзли (13), катта каллали (14), кенг кўкракли, йўғон қўлли, йўғон оёқли ва бўйни қисқа эди (15).

Айюб алайҳиссаломнинг юрти, бойлиги ва ўғиллари

Айюб алайҳиссаломнинг юрти Шомнинг Дамашқ билан Жобия орасидаги Урдуннинг (16) Басания ноҳияси эди (17). Шомнинг Басания ноҳияси (қишлоғи)нинг шарқи ва ғарби орасида бўлган ҳар нарса (18) — тоғлар, воҳалар (19) ичидагилар билан биргаликда (20) туя, сигир, кўйлар, от, хачир — ҳар қандай мол Айюб алайҳиссаломга оид эди (22). Унга оид чўпонлар билан бирликда 500 та хўкиз, ҳар хўкизнинг сурувчиси бир хизматкор — кул, унинг хотини, болалари, моллари; Ҳар хўкизнинг омовини ташиган эшаги, ҳар эшакнинг икки, уч, тўрт, беш ва янада кўп курра (бола)си бор эди. Аллоҳу Таоло яна унга катта оила ҳам эҳсон этганди (24). Ўн учта эркак фарзанди бор эди (25).

Айюб алайҳиссаломнинг Пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари

Айюб алайҳиссалом ҳам Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, Асбот ва Исо алайҳиссаломлар каби илоҳий ваҳийга мазҳар бўлиб (26), Аллоҳу Таоло тарафидан танланиб, унга пайғамбарлик берилганди (27). Пайғамбарлик унга Ёқуб алайҳиссалом даврида берилди (28). Айюб алайҳиссаломнинг дини Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид дини эди (29).

Айюб алайҳиссаломнинг шариати Аллоҳу Таолога иймон ва одамлар орасини тузатмақ эди (30). Довуд алайҳиссаломга кўра, Айюб алайҳиссалом инсонларнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

энг ҳалийми ва ювоши, энг сабрлиси ва ғазабини енггани эди (31). Айюб алайҳиссалом йўқсил ва ночор кимсаларга энг марҳаматлилардан эди. Етимларга, тулларга қарар, меҳмонларни кутар ва буларни Аллоҳнинг унга берган неъматарига шукрона сифатида адо этарди (32). Айюб алайҳиссалом меҳмон келмагунча ухламас, ёнида бир йўқсил бўлмаса емак емас (33), очларнинг қорнини тўйдирмагунча ўз қорнини тўйдирмас, яланғочларни кийинтирмагунча ўзи кийинмас эди (34). Тулларни кийдириб, ясантирарди (35).

Айюб алайҳиссаломнинг ибтилога учраши

Айюб алайҳиссаломнинг ибтилога учрашига турли сабаблар кўрсатилади. Масалан: Басания халқи ўзларига зулми қилган золим қиролнинг хузурига бориб, унга қаттиқ сўзлар сўзлаганларида, Айюб алайҳиссаломнинг, ўз экинини ўйлаб, юмшоқ гапиргани, маъруфни амр этмагани, золимни унинг зулми ҳақида огоҳантирмагани сабаб кўрсатадилар (36).

Шом тупроқларида қурғоқчилик, қитлик бошланиб,

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (17).

Миср қироли Фиръавн Айюб алайҳиссаломга “бизга кел, бизда мўл-кўлчилик”, деб хат юборгач, Айюб алайҳиссалом бола-чақаси, отлари, хайвонлари билан бирликда Мисрга кетади (37). Фиръавн уларга озиқ-овқат, кийим-кечак (38) ва ер беради (39).

Айюб алайҳиссалом Фиръавннинг ёнида эканида, Шуъайб алайҳиссалом келиб, ичкарига кирди ва:

- Эй Фиръавн, кўк халқи, ер халқи, денгизлар ва тоғлар ғазабланса, Аллоҳнинг ҳам ғазабланишидан қўрқмайсанми?, — деб сўради.

Айюб алайҳиссалом эса жим турди, гапирмади (40).

Айюб алайҳиссалом ва Шуъайб алайҳиссаломлар Фиръавннинг саройидан чиққанда, Аллоҳу Таоло Айюб алайҳиссаломга:

- Эй Айюб, сен Фиръавннинг ўлкасига келганинг учун жим турдинг (41), ибтилога ҳозир бўл, — дея ваҳий қилди.

- Мен етимларни боқмадимми? Ғарибга бошпана бермадимми? Очни тўйдирмадимми? Тулға

ёрдамчи бермадимми?, — деди Айюб алайҳиссалом.

Шупайтичидайилдирим(чақмоқ) лар чақиб, момақалдиروقлар билан катта булут парчаси пайдо бўлиб, унинг ичидан:

- Эй Айюб, буларни сенга адо эттирган ким?, — деган нидо келади.

Айюб алайҳиссалом дарҳол бир ховуч тупроқ олиб, бошининг устига қўйди ва:

- Буларни менга қилдирган сенсан ё Робб!, — дейди.

Аллоҳу Таоло унга:

- Ибтилога ҳозирлан, — дея ваҳий этди (42).

Шундан кейин Айюб алайҳиссаломнинг бутун сарвати йўқ бўлди (43). Ўғилларининг устига уй қулаб, ўлдилар. Шунга қарамай у доим Аллоҳу Таолога ҳамду сано қилиб, ибодатга давом этди, берганига шукр қилиб, юборган балосига сабр этди (45).

- Зотан йўқотилганлар Аллоҳга оид эди, бизга омонат ўлароқ берилганди, истаса беради, истаса қайтиб олади (46). Мен онамнинг қорнидан яланғоч туғилдим ва қабрга яланғоч қайтаман. Яланғоч ўлароқ Роббим олдида ҳашр бўламан, — дея Аллоҳга ҳамд этишда давом этди (47).

Айюб алайҳиссалом айна пайтда

касаликка ҳам учради (48). Илк даъфа “чечак” (49) ва ёки “жуззам” (мохов) касаллигига йўлиқди (50).

Овқат еркан, фақат икки қўлини оғзига олиб борса еяоларди. Тили шишиб кетганди, оғзига зўрга сиғарди. Овқатни базўр ерди. Ичкалари ишламай қолди. Еган нарсаси қорнига қандай кирса, шундай чиқар, вужудига фойдаси бўлмасди. Оёқларида куч қолмаганди, судралиб юрарди (51).

Бир вақтлар ўзи едириб-ичирган кимсалардан садақа сўраш даражасига етди. Улар бир лукма овқат бериб, уни ҳам миннат қилишар, Айюб алайҳиссаломни айблашарди.

Барча ўғиллари ўлиб, ёрдам этадиган ҳеч ким қолмаган эди. Оиласи ҳам ундан ўпкалаганди. Қариндошлари, дўстлари ҳам ундан юз ўгириб, алоқани кесган эдилар. Уни таниганлар энди танимайдиган бўлишди.

Бутун ҳақлари поймол қилинганди. Қилган яхшиликлари унутилганди. Чақирса, ҳеч ким келмайдиган бўлганди (52).

Уни қишлоқ аҳли қишлоқдан ташқарига, ахлат тўпланадиган жойга элтиб ташлади (53). Устига соябон қилиб, тикланган бир парда остида яшай бошлади (54). Ёнига хотинидан бошқа ҳеч ким бормас эди, бутун хизматларини у қиларди.

Айюб алайҳиссалом учраган ибтилонинг тўхтатилиши учун узок йиллар давомида дуо этмайди (55). Завжаси Лайё хотун бир қуни:

- Сен дуоси мақбул бир зотсан, шифо бер, деб Аллоҳга дуо этсангчи!, — деди.

- Биз 70 йил неъматлар ичида яшадик, бир 70 йил ибтило ичида яшасак нима бўпти?, — деди Айюб алайҳиссалом (56).

Йўқотилган ўғиллари ва бойликларига йиғлаган хотинига:

- Уларни бизга ким эҳсон этганди?, — деди Айюб алайҳиссалом.

- Аллоҳ эҳсон этди, — деди хотини.

- Улардан неча йил фойдаландик?

- Саксон йил.

- Аллоҳ бизни уларнинг ибтилоси билан неча йилдан бери мубтало этмоқда?

- Етти йилдан бери.

- Ҳайф сенга! Валлоҳи, сен Роббинга нисбатан на адолатли, на инсофли ҳаракат қилдинг! Мўл-кўлликда яшаганимиз каби, Роббимизнинг бизга юборган балосига ҳам саксон йил сабр этишимиз керак эмасми?, — деди Айюб алайҳиссалом (57).

Айюб алайҳиссаломнинг ибтилоси шиддатланган сари, унинг Аллоҳу таолога этган ҳамду саноси

Айюб алайҳиссаломнинг ибтилоси шиддатланганда у Аллоҳу Таолога шундай ҳамд этгани ривоят этилади:

- Ҳамд Роббил оламин бўлган Аллоҳга махсусдир. Роббим бўлган Сенга ҳамд этаман, Сен менга бойлик ва фарзандлар эҳсон этдинг! Қалбимда уларнинг кирмаган жойи қолмади. Сўнгра Сен уларни олдинг ва қалбим бўшалди. Энди Сенинг ва менинг орамга ҳеч нарса кирмайди (58).

Эй Роббим, авваллари мени кундуз — мол-мулк севгиси, кечалари — оила-фарзанд севгиси машғул этарди. На бахтки, шу онда улардан холос бўлдим. Кўзимни, қулоғимни, кечамни, кундузимни Сенинг зикринг, шукринг, такдис ва таҳлилинг билан кечираяпман! (59)

(Давоми келгуси сонда)



Мақсуд Бекжон: Атамалар эволюцияси

“Исломи экстремизми фактори”, “ислом фундаментализми фактори”, “ислом фактори”... Терминларнинг тобора юмшаётганини сезаяспизми? Терминлар юмшайпти, аммо уларга юкланган мазмун тобора қаттиқлашмоқда.

Илгари “ислом экстремизми” деганда фақат экстремизм назарда тутилди, “фундаментализм” деганда эса, мутаассиблик кўзда тутилди. Хозир эса, “экстремизм” деганда ҳам, “фундаментализм” деганда ҳам, ислом назарда тутилмоқда.

Хозир МДХ давлатлари матбуотида, айниқса, рус матбуотида, “экстремизм”, “фундаментализм” дея чўзиб ўтирмай, осонгина – “ислом” деб қўя қолишмоқда. Хозир рус матбуотида икки гапнинг бирида “ислом факторининг кучайиши”, “минтақадаги ислом фактори” сингари терминлар ишлатилиб, ислом динини ўзларига таҳдид қилаётган ягона хавф сифатида талкин қилмоқдалар. Бу иддаолар нимага қурилган?

Сўзларга қандай мазмун юкланса, улар ўша мазмунни оқлашга интила бошлайди. Аммо бу “интилиш” сўзларнинг моҳиятидан эмас, балки, бу сўзларга айнан ана шундай мазмун юклашга бел боғлаган шахслар, жамиятлар ёки давлатларнинг “ғайр”атидан келиб чиқади.

Масалан, бугун биронта давлатлар гуруҳи, ёки бирон бир коалиция аъзолари бўлган давлатлар келишган ҳолда “христиан экстремизми” ёки “иудаизм экстремизми” ҳақида бонг уриб, уларга қарши кураш бошласа ёки бошқаларни шундай курашга чорласа, дарров худди шундай экстремизмнинг дунёга келишига гувоҳ бўлган бўлардик. Чунки, “экстремист” деб эълон қилинган бу дин мансублари

рақибнинг ўйинини қабул қилиб, ўз динлари ҳимоясига отланган бўлар ва шу билан душманнинг башоратини тасдиқлаган бўлардилар.

Бугунги кунда ислом динига қарши дунё миқёсида ана шундай ўйин олиб борилмоқда. Ажабланарлиси шундаки, ислом – бошқа динлар ичидаги энг толерант диндир, толерантлик

– унинг моҳиятида ётибди; ислом дини “монотеистик” деб аталган христианлик ва иудаизм билан илдизлари бирлигини инкор этмайди, яъний, бу динларда улуғланадиган пайғамбарларни тан олади. Аммо христианлик ва иудаизмда исломга нисбатан бундай қараш йўқ (бу ерда гап ушбу иккита диннинг илдизлари ҳақида эмас, балки, ушбу дин мансубларининг бугунги тушунчалари ҳақида кетаёпти). Узоқ тарихда ҳам ислом динининг энг бағри кенг дин бўлганига гувоҳ бўлаемиз.

Асрлар бўйи мусулмон халқлар ҳукмронлиги остида яшаган ҳоҳ христиан, ҳоҳ яҳудий бўлсин ва ҳоҳ бошқа дин мансуби бўлсин, ҳеч қачон мусулмонлар тарафидан зўравонликка ва таъқибларга учрамай, ўз динларини бугунги кунгача сақлаб қолганлар. Ҳатто, Буюк Усмонли давлати христиан давлатлардан, хусусан, Испаниядан қиргинга учраб, қочиб келган минглаб яҳудийларга бошпана бериб, уларни ер-сув билан таъминлаган ва ҳеч қачон улардан ўз динларини ўзгартиришни талаб қилмаган.

Булар – дунёга маълум ҳақиқатлар. Аммо бу ҳақиқатларни кўришни истамаётганлар ислом динига қарши тарғиботларни тобора кучайтирмоқда ва ислом дини номидан минг хил провокациялар қилмоқдалар. Масалан, Россия шаҳарларида юз берган ўтган йилги портлашларнинг барчасини рус махфий хизматлари уюштиргани ҳақдаги фикрлар хозир тобора баландроқ овоз билан айтилмоқда.

Хуллас, бугун агар “ислом хавфи” ҳақидаги иғволар ва миллионлаб бегуноҳ мусулмонларга қарши ўтказилаётган зулм тўхтаеса эди, бирдан дунёда ҳеч қандай “ислом экстремизми” йўқлиги ошкор бўлиб қолган бўларди. Аммо буни истамайдиган кучлар кўп.

Мақсуд Бекжон

ХВФ: Ўзбекистон иқтисодиёти Россия-Украина инқирозидан жабр кўради

Украинадаги воқеалар Ўзбекистон-Россия товар айланмаси ҳажмининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур хулоса Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан бугун эълон қилинган маърузада келтирилган, деб ёзади ярим расмий нашр бўлган 12news.uz.

ХВФ экспертларининг фикрига кўра, Россия ва Украина ўртасидаги геосийосий кескинлик нафақат ушбу икки давлатнинг, балки бугун МДХ иқтисодиётига ва ҳатто жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

«Россия иқтисодиётининг издан чиқиши ўз ялпи ички маҳсулотининг 5% дан ортигини Россия импорти ташкил қиладиган давлатлар, жумладан Ўзбекистон, Белорусия, Молдова, Туркменистон ва Украинанинг иқтисодиёти учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, Болтик бўйи давлатлари, Словакия, Болгария ва Финляндия иқтисодиёти ҳам сезиларли даражада зиён кўради. Россиядан пул ўтказмалар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 8% ни ташкил қиладиган давлатлар — Тожикистон, Қирғизистон, Молдова ва Арманистон давлатларининг иқтисодиётига жиддий зарар етиш мумкин», — дейилади жаҳон банки тузилмасининг маърузасида.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мустақил экспертларнинг фикрича Россиядаги Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг пул ўтказмалари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 25 % ни ташкил қилади. Бирок, Ўзбекистон ҳукумати расмий статистика маълумотида бу рақамни ҳар доим 3-5% атрофида қайд қилиб келади.

Бундан ташқари Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида биринчи ўринда турадиган ҳамкор саналди. Статистика маълумотларига кўра, ўтган йили икки давлат ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш 9,4 % га ўсиб 8,3 млрд. долларни ташкил қилган.

ЎХХ ахборот бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича хорижга чиқаётган ўзбекистонликларнинг паспортига юмалоқ муҳр уриш чеклаб қўйилибди. Ҳафта четга чиқувчилар оқимини тўхтатиш учун паспорт столлари мулозимларига қатъий кўрсатма берилган.

Бундан ташқари, маҳаллаларда четга чиқишга интилаётганлар ҳақда билги тўплаш ишини маҳалла оксоколларига буюрилгани ҳам ҳаммага маълум.

Юмалоқ муҳрни олиш маҳалла «Оксоколлар»нинг «юмалоқ» (чақимчилик) хати»га боғлиқ эмиш.

Бу «оксокол»ларнинг қора ишларини илҳом билан давом эттираётганини бутун эл кўриб турибди ва улар халқни бездирди дейди, тошкентлик бир ўқувчимиз.

«Озодлик» радиосининг Андижон, Хоразм ва Сурхондарёдаги манбаларининг

янги паспортга юмалоқ муҳр уриб бермаётганидан шикоят қилди. У ўзи ва яқинлари олган янги биометрик паспортда юмалоқ муҳр бўлмагани учун Россияга кетаолмаётганини билдирди.

Хоразм вилояти Хазорасп тумани «Мухомон» қишлоғидан ўзини



«Рўзмат» деб таништирган 38 яшар дурадгор «Озодлик» билан суҳбатда паспортини янгилаганидан кейин Ўзбекистондан чиқа олмаганидан нолиди:

- Мен ўзи Россиядаги ёғочни қайта ишлаш корхонасида ишлар эдим. Паспорт сроки тугаганидан кейин уйга алмаштиришга бордим.

бўлди.

«Озодлик» радиоси манбаларига кўра, биометрик паспорт учун ариза топшираётганларнинг қарийб 90 фоизи хорижга ишлагани кетаётган фуқаролардир.

Бунинг устига жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат персоналлаштириш маркази вилоятларга бериладиган биометрик паспортлар сонини чеклаб қўйди. Расмий маълумотга кўра, ҳозир республика бўйича биометрик маълумотлар олаётган ва паспортларни тайёрлаб бераётган аппаратлар сони 200 тадан ортиқдир. Бу аппаратлар томонидан кунига берилаётган паспортлар сони февралдан бошлаб, 150тадан 70тага тушириб қўйилган.

Бу чеклов ҳам фуқароларнинг биометрик паспорт олишини қийинлаштирмоқда. Вилоятларда биометрик паспорт олиш учун одамлар ойлаб навбат кутмоқда. Паспорт бериш бўлимлари олдида ҳар куни 300-400 кишилик навбатлар пайдо бўлган.

Жорий йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга фақат биометрик паспорт билан чиқиши мумкинлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг паспорт бўлимлари олдида турнақатор навбатлар пайдо бўла бошлади.

Айни пайтда Ўзбекистон Президенти фармонида эски русумдаги паспортлар 2015 йилнинг 31 декабригача амал қилиши белгилаб қўйилган, деб хабар қилади «Озодлик» радиоси.

ЎХХ ахборот бўлими

«Юмалоқ хат» ва юмалоқ муҳр

айтишича, четга чиқиш эҳтимоли юксак бўлган кишиларнинг янги биометрик паспортларига юмалоқ муҳр уриш атайлаб кечиктирилмоқда.

Ҳафта Тошкентда туман паспорт столлари ва ОВИР идораси мулозимлари махсус суҳбатдан ўтишган.

- МХХ ва прокуратура вакиллари иштирокидаги бу суҳбатда одам савдоси ва фуқароларнинг чет элларда турли экстремист гуруҳларга қўшилиб кетишини олдини олиш учун алоҳида ҳушёрлик зарурлиги уқтирилди. Хусусан, 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар, 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркекларнинг чет элга чиқиб кетиши эҳтимоли юқори бўлса, уларнинг паспортларига юмалоқ муҳр қўйишни кечиктириб туриш топширилган, — дейди «Озодлик»нинг Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларидаги манбаси.

Унга кўра, бу «тавсия»нинг биометрик паспорт ва чиқиш визасини бериш жараёнига алоқаси йўқ.

Ўзбекистон фуқаросининг паспортига юмалоқ муҳр бўлмаса, у Россия Федерацияси ва бошқа МДХ мамлакатлари ҳудудига сафар қила олмайди.

Озодликка Андижон вилоятининг Пахтабод туманидан мурожаат қилган ва ўзини Абдусалом деб таништирган 32 яшар тадбиркор айтишича,

қанча қиммат билан биометрик паспортни олдим. Лекин юмалоқ муҳр қўйиб беришмаяпти. Сўрасам сабабини ҳам айтмади. Кейинроқ келинг деб пайсалга солишяпти, — дейди суҳбатдош.

«Озодлик» манбалари бу ҳолатни Ўзбекистон шаҳар ва туманларидан хорижга чиққан меҳнат муҳожирларини Ўзбекистонга қайтаришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари билан боғлашди.

Навбатдаги таъқиқ яна коррупцияга йўл очди. Сурхондарёнинг Қизирик туманида яшовчи, исмини очикламасликни сўраган йигитнинг Озодлик билан суҳбатда айтишича, у яқинда биометрик паспортга юмалоқ муҳр бостиришга муваффақ бўлган.

Бу муҳр учун 100 АҚШ доллари миқдоридан порча беришга мажбур бўлган: «Юмалоқ печать 100 долларга чиқди. Шу печатсиз Россияга чиқа олмаймиз. Паспорт столлар олдида жуда узун навбат. Шунинг учун тезлатсин, деб 100 доллар бердим. Россияга кетишим керак эди. Паспорт столда ҳаммаси бепул деб ёзиб қўйибди. Лекин ҳар бир бланкани 1000 сўмдан мажбурлаб олдираяпти», деди сурхонлик йигит.

Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб эски паспорт билан хорижга чиқиш тўхтатилиши эълон қилиниши ортидан мамлакатдаги паспорт бўлимлари олдида турнақатор навбатлар пайдо

Ҳақназаровнинг сўнгги мақоласи эл муҳокамасида

Тошкентдан келаётган хабарларга кўра, таниқли ва аноним сиёсатшунос Усмон Ҳақназаровнинг “Каримов МХХ ва ДБКни “хаётпараст унсурлар”дан тозаледи” сарлавҳали сўнгги мақоласининг мазмуни пойтахтликлар орасида яшин тезлигида тарқалиб, қизгин муҳокама қилинмоқда. Мақолада келтирилган воқеа ва фактлар нафақат таниш-билишлар даврасида, балки нотаниш ва бегоналар иштирокида ҳам оғиздан-оғига ўтмоқда.

“Шу ҳафта давомида уч-тўрт киши шу материал ҳақида сўз бошлаб, МХХ генералларининг уйларидан 100 миллионлаб долларлар топилгани ҳақида айтишди. Улар менга нотаниш бўлган, йўлдан чиққан мижозлар эди”, — дейди Ихтиёр исмли пойтахтлик таксист. Унинг гапларига кўра, бу мақола ҳақида сўз бошлаган кишилар

Каримовнинг кенжа қизи Лола Каримованинг жиноятлари ҳақида ҳам қизгин ҳикоя қилишган. Бундан ташқари, йўловчилар президентнинг адолатсиз сиёсатига қарши ўз нафратларини ҳам очик-ойдин, кўрқмасдан гапиришган.

“Илгари мижозлар сиёсатдан сўз очишга чўчиброқ ўтиришарди. Ҳозир унда эмас: юртимиздаги адолатсизликлар ҳақида ўзлари гап бошлаб, хулоса ўрнида:

“Бу тузумни ағдариш керак!” — деб қўйишяпти”, — дейди Ихтиёр ака. Унинг фикрича, Ҳақназаровниқига ўхшаган мақолалар ўзбекистонликларнинг кулоғига тез етиб келаяпти ва маҳаллий аҳолида Каримов режимига нисбатан исён туйғуларини шакллантирмоқда.

Бошқа манбаларнинг хабар беришича, Усмон Ҳақназаровнинг сўнгги мақоласи Тошкентдаги элита ресторан ва кафелардаги, бозор ва ишхоналардаги

давраларда ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда. “Айтсам, ишонмайсиз, кеча шу мақолада ёзилган тафсилотларни президент хавфсизлик хизматида ишлайдиган доимий мижозларимиз ҳам роса гапиришди”, — дейди Тошкентдаги киммат ресторанлардан бирида ишлайдиган официант.

Унинг айтишича, Ҳаёт ва Жаводот Шарифхўжаевларнинг уйларидан топилган пуллар ҳамда Лола Каримованинг жиноятларини муҳокама қилишган тансоқчилар олдиларига олиб келинган таому чилимларни ҳам унутмаётишган.

“Менимча, Усмон Ҳақназаров ўз мақолалари билан кучишлатар идоралардаги ходимларнинг ҳам онгини “заҳар”лаб бошлаган. Акс ҳолда, мххчи ва пххчилар режимга қарши ёзилган мақолаларни жамоат жойларида очикча муҳокама қилишмас эди”, — дейди пойтахтлик официант.

УХХ ахборот бўлими



Ҳайит хутбасими ёки ҳисобот мажлисими?

МХХдаги югурдаклари ҳақида дуо қилишга қақирди.

Бу ҳам етмагандек, хутбасининг асосий қисмида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг миқдори жорий йилнинг олти ойи давомида нақд 8

Зелимхон Ҳайдаров, ПХХ бошлиғи Мўйдинжон Тоҳирӣ ва МХХ раиси Рустам Иноятовлардан “гонорар” ва совға-саломлар олиб турар экан.

“Муқаддас ойлар ва мустажоб дуолар” деб номланган китобни ёзиб, ўзининг ширкий фикрларини баён этган Раҳматилла қори Обидов нега Каримов ва унинг сиёсатини бунчалик мақташини энди тушундим.

Гап бу ёқда экан!

Шу гапларни эшитгач, шу имомнинг орқасида туриб намоз ўқимасликка, унга қўшилиб золимлар ҳақларига дуо қилмасликка қарор қилдим. Бошқа мусулмон биродарларимизни ҳам шунга қақираман.

Эй, биродарлар, золимлардан қолган ювиндиларни ичиб, уларни мақтайдиган, намозга йиғилган мусулмонларни золимларнинг ҳақларига дуо қилишга қақирадиган “уламо”ларнинг хутбаларига қатнашмасликка қақираман.

Абдураҳим Тошкандӣ

Яқинда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайти www.uzxalqharakati.com нинг ўзбекча бўлимида “Каримов имомлари Ғазо мавзусини айланиб ўтишди” сарлавҳали хабарни ўқиб қолдим. Унда Ҳайит намозига ҳукумат имомлари тинчликни асраш кераклиги ва шу кунларга шукр қилиб яшаш керакли ҳақида ваъзлар айтиб, Каримов ва унинг югурдакларига узоқ умр тилаганликлари ҳақида ёзилган экан.

Шу хабар туртки бўлиб, ўзим гувоҳ бўлган ўхшаш воқеа ҳақида ҳикоя қилмоқчи эдим. Аниқроғи, Тошкентдаги “Рисовий бозор” ёнидаги масжидда ўқилган Ҳайит хутбаси ҳақида ҳикоя қилишга қарор қилдим.

Уша куни масжид имоми Раҳматилла қори Обидов ҳам худди шундай мавзуларни кўтариб, айна дуоларни қилди. Намозга йиғилган халқни шу халққа зулм ўтказётган золим Каримов ва унинг ИИВ ҳамда

фоизга етганини айтиб, инфляция даражаси йиллик 2-3 фоиздан ошаётгани ҳақида оғиз кўпиртирди.

Ҳайит намозига йиғилганлар ўзларини ҳукуматнинг мажлисида ўтиргандек ҳис қила бошлади. Лекин Раҳматилла қори Обидов ҳукумат тақдим қилган иқтисодий кўрсаткичларни ўқишдан тўхтамади.

Бундан ташқари, ушбу “уламо” Ислмо Каримовнинг исми-шарифини айтганда йиғламсираб: “Муҳтарам юртбошимизнинг қандай ажойиб инсонлигини у зоти олийлари билан яқиндан суҳбатлашган одамлар яхши билишади”, — деди ва кўзларига ёш олди. Имом-хатиб бу гапи билан президент билан яқин алоқада эканлигига шаъма қилди.

Биродарларнинг айтишларича, “қори” аканинг шаъмаларида асос бор экан. Чунки Раҳматилла қори Обидов ҳар ойда бир марта Ислмо Каримовни “ўқиб” кўяр экан. Эвазига президент девони раҳбари

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик